





## Танлов ҳужжатларининг кискача мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома.
2. Техник қисм.
3. Нархлар қисми.

## Танлов иштирокчиси учун йурикнома

### 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

- 1.1. Танлов предмети: Курилиш (гидросооружения, биноларни мукамал таъмири ва жорий таъмирлаш ишлари).
- 1.2. Танлов қиймати **84 074 842** сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган ишлар буйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1. **Норин-Қорадарё сув иншоотлари бошқармаси** (бундан буён «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
Манзили: Андижон тумани, Қуйган-ёр шаҳарчаси БФК куча 1-уй.  
Эл.адрес: [karadarya@mail.ru](mailto:karadarya@mail.ru)
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов **Норин-Қорадарё сув иншоотлари бошқармаси** томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда утказилади.



### **3. Танлов иштирокчилари**

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда и шва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади.

- Танлов предмети кийматининг камида 20% микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги.

- Шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар.

- Танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги.

- Уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар.

- Танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50% кам булмаган холда).

- Низом маблаг микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизмат)ларни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танлов иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида этишга рухсат берилмайди.

- Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий керамлиги мавжудлар.

### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.



4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидаги хужжатлар такдим этилиши лозим.

- Техник қисм, «Буюртмачи» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.

- Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

- Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳраб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик бўлиши талаб этилади.

- Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова қилинади).

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Факат бита таклиф бериши мумкин.

- Такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига тулик жавобгар бўлади.

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.2. Танловлар утқизиш бўйича тузилган харид утқизиш комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.



## 6. Бошка шартлар

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда курсатилган ахборот узайтирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баенномаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баенномаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни такдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.